

## Транспорт

**Юк ташиш.** 2016 йил январь-мартда барча транспорт турлари томонидан 30,7 млн. тонна юк ташылган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,2 фоизга кўп. Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 709,2 млн.тн-км. ни ташкил қилди ва 16,4 фоизга кўпайган.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қўйидагича ифодаланади:

	2017 йил январь-март	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	30,7	102,2
шу жумладан:		
автомобил транспортида	29,2	103,5
Юк айланмаси, млн. тн-км	709,2	116,4
шу жумладан:		
автомобил транспортида	485,8	98,6

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2015 йил январь-сентябрга нисбатан 107,3 фоизга кўпайди ва 406,0 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 57,2 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-мартда 62,0 фоиз).

**Йўловчи ташиш.** 2017 йил январь-мартда барча транспорт турлари томонидан 148,6 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,3 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 7,9 фоизга кўпайи 1984,8 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қўйидагича ифодаланади:

	2017 йил январь- март	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	148,6	106,3
шу жумладан, автомобил транспортида	148,2	106,2
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	1984,8	107,9
шу жумладан, автомобил транспортида	1928,6	105,7

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2016 йил январь-мартга нисбатан 106,9 фоизга кўпайди ва 1653,5 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 83,3 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-мартда 84,0 фоиз).